



«ТАСДИКЛАЙМАН»
1-сон Касб-Хунар мактаби
Харид комиссиясининг раиси

«07» июн 2022 йил
Н.Душамов

БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ
1-СОН КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ УСТАХОНА БИНОСИНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Гиждувон туман -2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Фиждувон туман 1-сон касб-хунар мактаби устахона биносининг том қисми хамда хоналарининг пол қисми, шифт қисми, эшик ва деразаларини алмаштириш, иссиклик ва ёргулек тизимини жорий таъмиглаш ишларига лойиха смета хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танловнингюкори қиймати – 14 875 000 (Ўн тўрт миллион саккиз юз етмиш беш минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фиждувон туман 1-сон касб-хунар мактаби (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фиждувон туман Ю.Ҳамадоний кўчаси 168-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Фиждувон туман 1-сон касб-хунар мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтиослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувохнома"
- Коррупцияга карши талаблар 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Ташкилотнинг оргтехника руйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йурикномалари
- Ишчиходимларнинг диплом нусхалари, меҳнатдафтарчалари ёки mehnat.uz сайтиоркалир ўйхатдан ўтганлигит ўтгисидаги хужжат
- Бажарилганишлар габериладиганка фолат муддати
- Охирги 3 йилдамазкур объект тоифаси ва қузватигамоси штажибасининг мавжудлиги
- Солиқвабошқамажбурийт ўловлардан қарздорлик мавжудэ маслигит ўтгисидама ълумотнома
- Охирги 3 йиллик баланс
- Инсофизи жирчиларягона реестридақайдэтилмаган лигит ўтгисидама ълумотнома
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиби - таомилларининг мавжудэ маслиги тўғрисида ълумотнома

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тутгатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДАИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИЙ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Интирикчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:
Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:
Техник хужжатлар рўйхати (броншоралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади):

- 4.4. Танлов иштирокчиси:
- факат битти таклиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгаририш киритиш ҳукукига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли ҳолда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор кабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгаришилар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамида уч кун олдин қарор кабул килишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгаришишга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгаришилар киритилган санадан эътиборан қамида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатиласлан ахборот ўзгаририлган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришиш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларниң мазмун-моҳиятини ўзгаририласлиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.